

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги республика мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан 1 сентябрь кунини хорижий аҳоли вакиллари билан таълим учун тантанали қабул маросимини ўтказди.
Тошкент ақинидаги Назарбек кўрғони ҳудудига Урта Осиё темир йўлининг 500 беморга мўлжалланган клиник касалхонасининг биринчи навбати фойдаланишига топширилди.
Олмалиқ химия заводида Хитойдан келтирилган гузоподдан тонали плиталар ишлаб чиқаришга мўлжалланган асбоб-ускуналари ўрнатилган киришилди. Бу гоя тақчил, айни пайтда арзон ва пишиқ бинокорлик материалли Хитой технологияси асосида ишлаб чиқарилади.

ҲАМДУСТЛИКДА

Ўзбекистоннинг Россия пойтахтидаги элчихонасида Республика мустақиллигининг бир йиллигига бағишлаб қабул маросими ўтказилди. Унда хорижий давлатларнинг Россиядаги элчихоналари вакиллари, Россия ҳукуматининг раҳбарлари ҳозир бўлишди.
Россия ҳудудига ҳозир фуқаролардў бўлган СССР паспортлари Россия Федерацияси фуқаросининг шахсий гувоҳномадори билан алмаштирилади. Бу ҳужжат фуқароларга 1994 йил бошидан берили башланган мўлжалланмоқда.
Бугун Россия, Грузия ва Абхазия раҳбарларининг музокаралари бўлиб ўтди. Ана шу уч томонлама учрашув арафасида ҳам Абхазияда қонли тўқнашулар давом этапти.
Қозғоқдон воситачилигида Олмаотада Озарбайжон билан Арманистон 1 сентябрдан бошлаб ўқ отишни тўхта-тишга келишилганига қарамасдан Тоғли Қорабоддаги уруш давом этмоқда. Боқудан олинган маълумотларга қараганда, 1 сентябрда ўтар кечаси Арманистон тўплар, танк ва вертолётлар ердамида ҳужумга ўтган.
Шу йил сентябрь ойи ўрталарида Қозғоқдон ҳукумати билан Италиянинг машҳур ФИАТ концерни ўртасида Павлодардаги трактор заводида «Панда» энгил машиналари йиғишни йўлга қўйиш тўғрисидаги шартнома имзоланиши режалаштирилади. Бу ерда йилга бир неча ўн минглаб автомашиналар ишлаб чиқарилади.

ХОРИЖДА

Германия Федератив Республикасининг жаҳонга машҳур «Мерседес-Бенц» автомобил компанияси президенти профессор Вернер Нифер Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги арафасида фирма заводларида ишлаб чиқаришган иккита энгил автомобиль ва битта автобусни Республика-мизга соғва қилди. Шу автомобиллардан бири «Мерседес-Бенц-60» Вернер Нифернинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга шахсий совғасидир.
Келгуси беш йилликда Хитой ҳукумати қишлоқни ривожлантириш учун йилга 1 миллиард доллардан кўпроқ маблағ сарфлаш ниятида. Иқтисодиётнинг бу соҳасига берилмаган эътибор ўз самарасини бермоқда. ХХР хозирнинг ўзида дон импорт қилишдан воз кечиб, хорижий мамлакатларга озиқ-овқат экспорт қиломоқда.
Литва ҳукумати қарори билан бу мамлакатда 1 сентябрдан бошлаб АИ-92 бензиннинг 1 литри 35 сўм, АИ-76 бензини эса 30 сўм бўлди. Ҳамма истеъмолчилар учун электр қувватининг бир киловатт соати 3 сўм 50 тиини қилиб белгиланди.
Югославиянинг Адриатика денгизи соҳилидаги қурут шаҳардада собиқ жаҳон чемпиони Роберт Фишер билан Борис Спасский ўртасидаги учрашувнинг биринчи ўйинида сўк доналарни сурган Роберт Фишер олти соат давом этган ўйиндан сўнг 49-юришда ғалабага эришди. Учрашув низомига кўра реқиб устидан 10 марта ғалаба қозongan шахматчи бу оламшумул беллашув ғолиби, деб топилди. Дуренглар ҳисобга олинмайди.

Маҳаллада хурсандчилик


СОБИР Раҳимов районидagi 4-шифхона жамоаси, теварақ атрофдаги маҳаллалар феолири ва район маданият бўлими бадий хаваскорлари иштирокнда Мустақиллик кунини хурсандчилик билан кутиб олинди. Кечада сўз олган Ҳофиз Қўшқарий маҳалласи раиси, меҳнат ва уруш фахрисин Маҳкам Каримов, шифхона бош шифкориси Собит Аъзамов, шифхонанинг энг кекса ходими Ақида ая Тошмухамедовлар истиқбол ҳақида тўлиб-тошиб гапирдилар.
Байрамда иштирок этган Йўлдош Охунбобоев номли маданият уйининг Фозил Маматқулов раҳбарлигидаги бадий хаваскорлар жамоаси тантаналарга фойз қўшди.

Тўқтин ИМОНХУЖАЕВ.

Тушунарли ва содда

ЎҚУВЧИ ёшларга аталган бу галги қатор дарслик ва қўлланмалар орасида бошлангич синфлар учун мўлжалланган адабиётлар ҳам анчагина. 3-4-синфлар ўқувчиларига армуғон сифатида чиқарилган қўлланмалардан бири эски ўзбек алифбоси ҳисобланади. Маъруз китоб ўзининг тушунарли ва содда тарзда ёзилганлиги, кўзга ташланиб турган безаклари билан ҳам эътиборга сазовордир. «Табиишунослик», «Кундалик кузатиш дафтери» каби дарслик ва қўлланмалар ҳам болаларга яхши соғва бўлди. 6-синфлар учун чиқарилган хорижий тилларни ўрганиш қўлланмалари ҳам кўп нусхала санди. 7-8 синфларга мўлжалланган «Ўзбекистон тарихи» китоби шу кун талабли, кўзга ташланиб турган безаклари билан ҳам эътиборга сазовордир.

Аҳмад ҚАҲҚОРОВ.



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКНИНГ ОҚШОМИ

Ижтимоий-саноий шаҳар газетаси

№ 173 (8. 115)

1992 йил

3 сентябрь, пайшанба

Нархи 2 сўм.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ И. ҚАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Жаноби олийлари! Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг қувончли бир йиллиги муносабати билан сизга ва қардош Ўзбекистон халқига самимий қутловларимизни етказишдан гоят мамнунман.

Шу имкониятдан фойдаланиб, сиз жаноби олийларига узоқ умр, сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси халқига юксалиш ва фаровонлик тилайман.

Жаноби олийлари, сизга юксак ҳурматим изҳорини лутфан қабул қилгайсиз.
Ғулом ИСҲОҚХОН,
Покистон Ислам Республикасининг Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ ДОКТОР ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги қувончлари муносабати билан сиз жаноби олийларига самимий табрикларимга ва Ўзбекистонга фаровонлик ва юксалиш, шунингдек, Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришни тилаб билдирган энг яхши истаklarимга Малайзия қироличаси жаноби олийлари ҳам қўшилишди. Сиз жаноби олийларининг Гуала-Лумпурга яқинда буюрган биринчи таширфигизни биз самимият билан эслаймиз, бу таширф иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги даврни бошлаб берди.
Султон АЗЛАНШОҲ,
Малайзиянинг олий бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ И. ҚАРИМОВГА

АЗИЗ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ! Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган кунининг бир йиллиги муносабати билан сизни ва қардош ўзбек халқини самимий қутлайман. Шу унутилмас кунда теварақ тарихий илдизаларга эга бўлган қозоқ ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик демократик давлатларимиз тараққийининг янги шароитида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва яхши қўшничиликнинг янги қирралари билан ярқирашини яна бир бор тасдиқламоқчиман. Ўзбекистоннинг меҳнатсевар халқи ўтиш даври қийинчиликларини муваффақият билан бартараф этиб, жаҳон ҳамжамиятида ҳақли равишда ўзини муносиб жойини олишига ишончим комил. Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич, сизга сийҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизга муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик ва омон-эсонлик тилайман.
Самимий ҳурмат билан,
Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозғоқдон Республикасининг Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ И. ҚАРИМОВГА

Қардош Ўзбекистон Республикаси халқини ва сизни, муҳтарам Ислам Абдуғаниевич, миллий байрам — Мустақиллик кунин билан сиз қидилдан табриклайман.

Қатъий ишонч билан шунини айтаманки, Россия билан Ўзбекистон ўртасида тарихан тарқиб топган дўстлик муносабатлари, улар ўртасидаги мавжуд ўзаро ҳурмат, ишонч ва ҳамкорлик анъаналари мамлакатларимиз халқларининг бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланаверади. Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига оройишита турмуш, бахт-саодат, фаровонлик тилайман.
Б. ЕЛЬЦИН,
Россия Федерациясининг Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ И. ҚАРИМОВГА

МУҲТАРАМ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ! Сизни ва қардош Ўзбекистон халқини Тожикистон Республикаси раҳбарияти, бутун тожик халқи номидан ва шахсан ўз номидан миллий байрам — Мустақиллик кунин билан табриклайман.

Ишончимиз комилки, халқларимиз ўртасидаги азалий маданий ва иқтисодий алоқалар мустақиллик шароитида янгича шаклда ривожланиб, бундан буён ҳам мамлакатларимиз фаровонлиги йўлида мустаҳкамланаверади ва ривожланаверади.

Шу улуг кун — Ўзбекистон Мустақиллиги кунинида сизга ва ўзбек биродарларимизга бахт-саодат, омон-эсонлик ва абадий фаровонлик тилаймиз.

Ҳурмат билан,
Тожикистон Республикасининг Президенти
Р. НАБИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ

ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА
МУҲТАРАМ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик кунини муносабати билан шахсан ўз номидан ва Арманистон Республикасининг ҳукумати ва халқи номидан сиз жаноби олийларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқини самимий қутлайман.
Имкониятдан фойдаланиб, халқларимиз ўртасидаги давр синовидан ўтган дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатлари мамлакатларимиз бахт-саодати йўлида янада кенгайиши ва ривожланишига қатъий ишончим изҳор этаман. Президент жаноблари, сизга сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига мустаҳкам тинчлик, юксалиш ва фаровонлик тилайман.
Арманистон Республикасининг Президенти
Левон ТЕР-ПЕТРОСЯН.



Пойтахтимиздаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш биришмасида қўллаб меҳнат илгорлари ишлашди. Шуларнинг ичнда айниқса Х. Шеримбетов алоҳида ўрин тутади. Чунки у ўзининг 7 йиллик меҳнат фаолиятида шогирдликдан 4-даражали тоқаргача бўлган йўлни босиб ўтди.
СУРАТДА: Х. Шеримбетов иш устида.
Андрей Пинненко сурати.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚЎШИЛМАСЛИК ҲАРАКАТИДА

1 сентябрь кунини Индонезия пойтахти — Жакартада очилган Қўшилманган мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг конференциясида Ўзбекистон Қўшилмаслик ҳаракатига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди. Конференция қарори билан Филиппин, Бруней, Мьянма (Бирма) мамлакатларига ҳам ҳаракат аъзолигининг мақоми берилди.

Қўшилмаслик ҳаракати бундан 31 йил муқаддам асос солинган эди. Унинг бегиини тебратган Жавахарлаъл Неру, Сукарно, Кваме Нкрума, Жамол Абдул Носир, Иосип Броз Титолар кейинчалик унчинчи дунё давлатларининг афсонавий раҳбарларига айландилар. Бугунги кунда жаҳондаги 108 давлат Қўшилмаслик ҳаракатининг аъзосидир. Шуниси қувончлики, собиқ СССР давлатлари орасида Ўзбекистон Қўшилмаслик ҳаракати аъзолигига қабул қилинган дастлабки ва ягона мамлакатдир.

ИЖОБИЙ БАҲОЛАНГАН ТАКЛИФ

СУВ ишоотларини механизация асосида бошқариш кўпгина кўл кучини ва маблағни тежаш имконини беради. Шу сабабли жойларда бу борда тадбиркорлик билан иш юритилиб, катор техникавий инжигилар амалга оширилмоқда.
Сув таъминоти ишоотларини созишда эса телемеханик усул кўл келмоқда. Яқинда мунянг термоққа қаратилган яна бир муҳим инжигил амалга ошди. «Узгипрожилпроект» институтининг бир гуруҳ мундацистик ходимлари тақлиф этган бу технология сув таъминоти ишоотларини телемеханик

усулда бошқаришнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.
Техника ижодкорлиги ёрдамида ер остидан ўтган қувурларни ўз вақтида мақсадга мувофиқ тарзда назорат қилиш лозим бўлиб қолганда, рўй берган носозликларни зудлик билан таъмирлашда жуда кўл келади. Шу сабабли ҳам бу жиддий илмий-техникавий изланиш юқори баҳоланди.

Саодат ОДИЛОВА.

* Шундай ОБ-ҲАВОНИ ЎЗГАРТИРУВЧИЛАР

АНТИЛАДИГАН бир қўшида табиятда ёмон ҳаво бўлмайдиган, деган сатрлар бор. Лекин гап байрам кулларига келиб тақалганда ҳамма ҳам об-ҳавонинг яхши келишини кутди, тез-тез омонга қараб кўнверади. Чунки об-ҳавонинг ўзгариши бор қандайд одамнинг ҳам байрам кайфиятини туршириб юбориши турган гап. Энди мақсадга ўтсак гап шундаки, об-ҳаво маълумотларини айтунчилар Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллик байрамини кезларида пойтахтимизда ҳавонинг авоийи бузуқ келишини ваъда қилдилар. Агар Урта Осиё гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология марказининг мутахассислари энг шимариб ишга киришмаганларида уларнинг айтган қароматлари амалга ошиши турган гап эди. Визетачи илмий ходим, физика-математика фандлари номзоди Гафрат Зопиронч РАҲМОНЗОДАдан Тошкент узра булутсиз, мусофир осомони қандайд қилиб сизлаб қолганликларининг сеири тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

дан биз ҳамкасбларимизга мурожаат қилдик, улар бизлар учун иккита экипажини жамулам қилиб беришга эришилди.
— Гафрат Зопиронч, об-ҳавонинг «мувофиқлаштириш» гоенининг маъни нимада, бинобарин айрим оммавий ахборот воситаларидан берилган хабарларда бу ишда вертолётчилар «хизмат» кўрсатиши, деган гаплар ҳам бўлди...
— Булутнинг жануби гардан шимолни шарққа қараб ўз жойини ўзгарттириши, кўчиб юриши бутун шаҳарини хавфли зонада қолдириши олиб келиди. Ҳўш, биз шунда нима қилдик? Махсус схема-лар бўйича вертолётлар эмас, балки самолётлар қўйилди. Уларнинг вазираси бошқа нарсада эди. Самолётлар гуруҳларининг раҳбарлари бевосита ҳавонинг ўзига бориб муайянроқ ва тўғрироқ жойлаштириш бўйича савий-ҳаракатларини амалга оширишди. Буннинг сеири шундан иборатдир. Жануби гарбий томондан келадиган булутларга самолётлардан қўруқ муз парчалари сепади, шундан кейин эса катта миқдордаги муз зарралари пайда бўлади. Бу зарралар ўз зиммасига ҳамма булут намликларини олади ва булутлар тарқала бошлади. Шундай қилиб денг Тошкент-

— Об-ҳавонинг бундай мураккаб ҳолатда келиши, яъни 30 августдан 3 сентябрга қадар бўлган вақт ичнда булутли ҳавонинг бўлиши боз устига ваизгартчилик энгини хавфнинг борлигини кейинги 120 йил мобайнида бор-йўғи тўрт марта кузатишдан қолди. Табиийки, бундай ҳолда байрамни очиқ жойда ўтказиш кишини шубҳага солиб қўйиши турган гап эди. Ана шу босондан Ўзбекистон Республикаси бош гидрометеорология марказининг бошлиғи В. Е. Чуб ва САННИИМ директори Н. Н. Аксаридан иборат зудлик билан ишлайдиган штаб ташкил этилди. Фаол ҳаракат қилиш

раҳбари этиб камини тайинланди шунингдек бевосита ҳавонинг ўзигади ишларга ёғи отрид бошлиғи А. Т. Абдукаримов раҳбарлик қилди.
Шиланимиз учун бизларга об-ҳавондан ҳимом махсус самолётлар зарур эди. Бинобарин бундай операциялар чоғида бешта самолёт ҳаракат қилини керак. Лекин 2-3 кун мобайнида шунча самолёт ишини уюштиришнинг умуман амалий жиҳатдан имконияти йўқ эди. Бунинг сеири яна шунда эдики бундай самолётлар бизда мавжуд эмас эди. Махсус АН-30 самолётлари Қозғоқдон фуқаро авиациясининг Бурунбод бирлашган авиатриядида мавжуд. Шу бос-

ЧАҚАЛОҚЛАРГА ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ

Суратли ахборот

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган байрам тадбирларининг иккунинида 1 сентябрь кунини дунёда келган чақалоқларга улар туғилган жой — туғруқхоналарда ўтказилган тантаналар ҳам ўзига фойз бағишлади. Хуллас, ана шу кунини 131 гўдак дунёга келди. Кеча ана шу чақалоқларнинг бахтиёр оналарига ҳокимликлар, фуқаролик ҳолатларини 5-туғруқхонада ҳам ўн икки-

та, 9-туғруқхонада ўн бешта, 7-туғруқхонада ўн чақалоқ дунёга келди. Лекин шаҳардаги 1-клиник касалхона қошидаги туғруқхонада ҳаммадан ҳам кўпроқ бола дунёга келди: бу ерда ўн тўққизта бола туғилди.

— Бу табийий бир ҳодир, дейди шифхона бош шифкорининг туғилиш бўйича Урчибосари Хосит Мирзоева. — Ахир бизнинг туғруқхонамиз кўп болали оғулар ҳаммадан ҳам кўпроқ истекомат қиладиган районда жойлашган-да. Бир ойда бизда 600 дан 650 га қадар чақалоқ туғилади, бир йилда эса 5 мингдан зиёд бола дунёга келади. Табиийки, туғруқхонанинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий жиҳозлар, ўз касбининг усталари бўлган ходимлар билан мустаҳкамлаш ҳамда тўлдириш борасида катта гамхўрлик кўрсатиш керак. Винобарин бизнинг туғруқхонамиз худди шундай гамхўрликни тўла ҳис қилиб турибди. У замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Энг муҳими эса бу ерга нелаётганларга бўлган эътибор ва меҳрибонлик ҳақида гапирши ўринлидир. Булим мудири В. Маҳмамов, Х. Долимов, Т. Нуриддинова, болалар шифокори М. Усмонова, тиббиёт ҳамшираси Д. Собирова, акушерлардан Д. Норабоева, Ш. Толойбонова, М. Юнусова ва бошқалар ҳамда ҳар қанча илмий фандларини айта арийдим. Улар чақалоқлар ва уларнинг оналари саломатлигини йўлида бутун билим ва



ет. Ҳаминча ҳалол ва дилдор бўлиб, қийинчиликлардан қўлчамай, хайри ишларини амалга ошириб, дўстликнинг қудратини қадрлай.
Ўзбекистон — ўз уйини дил-дилидан сев, қўшиқларининг эъзоли, ҳар қандайд ҳалқини билан бирга бўли. Ҳаёт йўлида сизга кўп воқеа, омад, бахт тилайман!
СУРАТЛАРДА: дунёга энгилган келган чақалоқларга совғалар ва Мустақил Ўзбекистон фуқаросига аталган эсдалик табрикномаси, Рустам Шарипов суратлари.



